ЮКСАК ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ СОҲИБЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Ачилова Мархабо Эшназаровна

НавДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Резюме: Мазкур мақолада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тарихий-фалсафий нуқтаи назардан ўрганилган. Шарқона тарбиядаги маърифатпарварлик,бунёдкорлик, ватанпарварлик ғоялари илмий-назарий таҳлил қилинган.

Резюме: В данной статье изучается социально- политическая активность женщин с историко-философского точки зрения, научно – теоритечески расскрывается идеи патриотизма в Востоке.

Жамият тараққиёти нафақат комил инсонни тарбиялаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, балки маънавий-маърифий етуклик, ахлоқийлик, маданиятлиликни ҳар бир кишида тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Зеро, ана шундай юксак масъулият аксарият хотин-қизларимиз зиммасига тушади. Хотин-қизлар бугун жамият таянчи, тараққиёт мезони сифатида эътироф этилади. Мазкур куч ортида эса муҳтарам онахонларимиз, мунис опа-сингилларимиз ва ўз сўзига эга дугоналаримиз туради. Афсуски, бу ажойиб жинс вакилларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига тарихий тараққиёт босқичларида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, улар фаолияти ҳамма вақт ҳам етарлича баҳоланмаган.

Масалан антик даврнинг буюк файласуфлари Платон ва Аристотелнинг “эркак аёлдан устун”[1] деган хулосага келиши албатта, мулкий тенгсизлик ҳукмрон бўлган даврнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Лекин шунга қарамасдан, асрлар давомида ўлмас, инсоният тараққиётига хизмат қилувчи ижимоий-фалсафий ғоялар яратган буюк файласуфларни ҳам аёл дунёга келтириб, тарбиялаб, шу даражага етказганини унутмаслик керак.

Тарбия бобида шарқона қарашлар ўзига хос бўлиб, инсон ҳаётининг моҳияти ҳалол ва покликда, эзгулик ва фозилликда, адолат ва фаравонликда, тенглик ва дўстликда эканлигини назарда тутади. Дарҳақиқат, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, оқила, зукко аёлларимизнинг сиёсий жиҳатдан билимдон ва фаоллигига гувоҳ бўламиз. Аждодлар маънавий меросини ривожлантириш Шарқ халқларига хос фазилат бўлиб, авлодлар давомийлигини таъминлашда насл тозалигига катта эътибор берилган. Пайғамбаримиз

[1] Г.Скирбекк, Н.Гилье. Фалсафа тарихи. Т.2002, 134-бет.

Муҳаммад с.а.в. бу ҳақда таъкидлаб: “Ўз уруғингизга яхши зотлардан танланг, чунки аёллар ўз биродарлари ва ҳамшираларига ўхшашларни туғадилар” [2] дейди.

Тиббиётнинг буюк олими Абу Али ибн Сино ҳам авлод саломатлигига жиддий эътибор бериб: “Агар одам бақувват ва соғлом бўлиб, ҳар хил насл касаллигидан холи эрса, унинг авлоди ҳам соғлом бўлади”, [3]деб таъкидлайди.

Маънавий қадриятларимиздаги бу анъанани Амир Темур ҳам давом эттиради. Буюк соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўрганар эканмиз, юқоридаги фикрларга тўлақонли амин бўламиз. Барча инсонлар Худо олдида тенгдирлар ёки ” Оллоҳ бирор неъмат билан бирингизни бирингиздан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасад-адоват билан) орзу қилманг! Эркаклар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар, аёллар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар,”[4] деб таълим берувчи диний ўгитларга садоқатли Амир Темур ўз даврида аёлларга алоҳида эътибор,ҳурмат-икром кўрсатишни йўлга қўйди. Айниқса, ақл-идрокли, фаросатли ва билимли аёлларни улуғлади.

Диний ва дунёвий илмлар ривожига кенг имкониятлар яратган буюк соҳибқирон Ўрта Осиё тарихида 2-Уйғониш даврини яратди. Жамият ва давлат равнақида маънавият, маърифат, адолат устуворлигига эришган давлат арбоби яратган шарт-шароит ва имкониятлар туфайли эса темурий маликалар асрларга татигулик муваффақиятларни қўлга киритдилар. Таъкидлаш лозимки, Амир Темурнинг ҳақиқий юрт ўғлони, буюк тарихий шахс бўлиб етишида ҳам мўътабар ва зукко аёл- Тегина бегимнинг хизматларини тарих унутмайди. Амир Темурнинг суюкли хотини Сароймулкхонимнинг мушкул вазиятларда соҳибқиронни оқилона маслаҳатлар билан қўллаб-қувватлагани ўша даврда сарой элчиси бўлган Клавихо томонидан ҳам таъкидланган. Сароймулкхоним нафақат Темур фарзандлари ва невараларининг оқила тарбиячиси, балки ”бунёдкор ва яратувчи малика” тимсоли ҳамдир. Униг саъй-ҳаракати билан қурилган мадраса, хонақоҳ ва бошқа иншоотлар Шарқ аёлининг ақл-идроки, ижтимоий-сиёсий фаоллиги намунаси сифатида ҳозиргача сақланиб келмоқда.

“Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишларни давлат юмушлари билан баравар кўрдим: насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали саломатлигини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга тўй-томоша бериб, келин туширдим.”[5]

Соҳибқирон бобомизнинг ана шу йўсинда иш тутиб, адашмаганлигига тарих гувоҳдир. Зеро темурий маликалар: Бибихоним, Тағой Туркон оғо, Мулкат оғо (Мулк оғо), Гавҳаршод бегим, Гулбаданбегим, Моҳларойим ва бошқалар Мовароуннаҳрнинг

[2] Қуръони карим. Т.: “Чўлпон”, 1992, 245-бет.
[3] Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Т.: Мерос,1992, 59-бет.
[4] Қурони карим. Нисо сураси. Т.: 1992, 58-бет.
[5]Амир Темур ўгитлари.Т.: Наврўз.1992, 58-бет.

ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган фарзандлар тарбиялабгина қолмасдан, давлат ишларида ҳам фаол бўлган. Тарихий маълумотлар аксарият вақтини тоат- ибодат ва китоб мутолаасига бағишлаган Шоҳруҳ Мирзонинг девон ва салтанатни бошқаришда яқин ёрдамчиси ўктам ва тадбиркор аёли – Гавҳаршодбегим бўлганлигини таъкидлайди. Мулкат оғо ҳам Гавҳаршодбегим каби сиёсий фаол бўлиб,қатор бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган: Ҳиротда “Дорулҳадис” номли хонақоҳ, иккита ҳаммом, Ҳиротдан 8 фарсах нарида Амударёга борадиган йўл устида битта работ, Балх шаҳрида бир мадраса, бир “Дорушшифо” қурилиши унинг номи билан боғлиқ.

Тарих силсилалари эвазига аянчли тақдир соҳибаларига айланган хотин-қизларимиз ҳаёти Увайсий таърифидагидек, “...эшигу-туйнугидан йўқ нишон”, бўлган жамиятда “ ...гулгун пок қизлар” умри “бағриқон”ликда ўтди. Лекин шунга қарамай, улар тенглик, озодлик учун курашиб, тутқунликдан фақат илм-маърифат, ақл-заковат билан чиқиш мумкинлигини англаб етдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларида яшаган машҳур шоира Анбар Отин ўзининг “Қаролар фалсафаси” асарида хотин-қизларимиз келажагини шундай таърифлайди: “Бир замона бўлурки, камина муштипар каби мазлумалар олийжаноб орзу қилғондан зиёда бўлур, тамома мазлумалар яхши кун кўриб, яхши либос кийиб, тинч рўзғор ўтказган сабаб, аларни авлоди хатарсиз таваллуд ўлиб, яхши тандўст, серғайрату меҳмондўст бўлиб камолга етар. Ул замонда барча халқ соҳибжамол бўлур.”[6]

Дарҳақиқат, бугун маърифатпарвар момоларимиз Бибихоним, Гулбаданбегим, Нодирабегим, Зебунисо, Увайсий, Анбар Отинларнинг орзулари рўёбга чиқди. Хотин-қизларимиз нафақат оқила рафиқа, меҳрибон она, балки жамият тараққиётининг барча соҳасида асосий етакчи куч бўлиб шаклланди.

Маълумки, турмуш даражаси паст, иқтисодий жиҳатдан ўта қийинчиликда ўсган ва тарбияланган аёл ўз фарзандига оналик меҳрини тўлиқ бера олмайди. Боланинг ўз навбатида ватанпарвар, серғайрат, меҳмондўст, юксак маданиятли бўлиб камолга етиши мураккаб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатларга узвий боғлиқ. Ана шундай тарихий сабоқлар бугун хотин-қизларимизни жисмоний ва маънавий салоҳиятларни уйғунлаштиришдек муҳим хулосага олиб келди.

Интеллектуал салоҳият асри бўлган XXI асрда –хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда республикамизда илмий салоҳият жами 7 та академик, 700 дан ортиқ фан доктори ва 7000 дан зиёд фан номзоди[7] илмий даражасига эришган хотин-қизларни ташкил этса, шундан 14 мингдан ортиғи олий таълим муассасаларида дарс берадиган устозларни ташкил этиб, улар нафақат ижтимоий-маънавий ҳаётимизнинг асосий бўлаги – оила тараққиётига, балки жамият равнақи учун муҳим бўлган фан тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб

[6] Ўзбек адабиёти.5-том, 2-китоб,Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Т. 1968. 23-бет.
[7] М.Шамсиева. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти масаласига доир.// Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2011. №2. 103-бет.

келмоқдалар. Бу рақамлар хотин-қизларимизнинг илм-маърифатга интилишини қай даражада кучайганлигидан шаҳодат беради.

Замон тезкор, тараққиёт илдам бораётган бугунги кун ҳар биримиздан зукколикни талаб қилади. Замон талабига мос иқтидорли, қобилиятли фарзандлар албатта маънавиятли оилалар бағрида тарбияланади. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек,: "...фақат замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, доимо эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган.." ёшлар янги Ўзбекистоннинг келажагидир.Шундай экан бу масалага ўта жиддий ёндашиш керак. Зеро, мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшлар кўпинча дуч келадиган муаммолар: оила ва жамоат орасида ўз ўрнини топа олмаслик, ўз шаъни, қадр-қиммати учун кураша олмаслик, мушкул вазиятлардан чиқиб кета олмаслик каби ҳолатлар ҳам оилавий тарбиянинг кемтиглиги аломатидир. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этишда қуйидаги тавсияларни таклиф қиламиз:

- оиладаги маънавий муҳитга жиддий эътибор бериш, эр-хотиннинг маърифатли бўлишга интилиб яшаши;
- оила ва боғча, оила ва мактаб,... муносабатларини йўлга қўйиш;
- ОАВ орқали, китоб мутооласи, интернетдан олинган маълумотлар муҳокамаси эвазига фарзандни мустақил фикрлашга, ўз фикрини ҳимоя қила олишга ўргатиш;
- оиладаги меҳнат жараёнлари орқали иқтисодий муносабатларга тайёрлаш;
- ўзаро муносабатларда каттага ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, бағрикенглик каби қадриятларни шакллантиришга қаратиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, нафақат миллий мерос, балки умуминсоний маънавий бойлик бўлган одоб-ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги қадриятларни тиклаш, уларни замонавий руҳ билан бойитиш, ёш авлодни улар билан яқиндан таништириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим бўлган инсонпарварлик, барқарорлик, бағрикенгликни қарор топтиришдек муқаддас вазифа интеллектуал салоҳиятли хотин-қизларимиз зиммасидаги масъулият бўлиб қолаверади. Узоқ ўтмишдаги аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги фуқаролик жамияти қураётган бугунги авлод вакилларини уларга муносиб ворис бўлишга даъват этади, деб ишонамиз.